

334.45(043.3)

K-27.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
ББК:65.9 (5У)292

КАСЫМОВА НАРГИЗА САБИТДЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.05-«Менежмент» ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2007

334.45 (043.3)
К - 27

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори
Рахимова Дильфуза Нигматовна

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Қаландар Хўжаевич

иқтисод фанлари номзоди
Суюнов Дилмурод Холмуродович

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Химоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси
бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил
«10» Анвар оят «9» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «9» сентябр да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор**

 **М.С. Қосимова**

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотлари узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ўсишнинг моддий асоси миллий ишлаб чиқариш бўлиб, бунда хусусий тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида зарур бўладиган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ундаги бошқарув масалаларини кучайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, ҳали ҳам иқтисодиётда уларнинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини қутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар мавжуддир. Лекин шунга қарамай, мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2006 йил 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2005 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида: “Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир”¹ – деб кўрсатиб ўтган эди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилганлиги иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармокни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини яратиб бермоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда 310 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,6 миллион киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 66,0 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 38,2 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди. Биргина 2005 йилда янги яратилган иш жойларни 85,0 фоизи тадбиркорликка тўғри келди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳий ўзгаришларнинг бош мақсади биринчидан, яқин йиллар ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг деярли ярмидан кўпроқ фоизини ишлаб чиқаришга эришиш, иккинчидан, бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва

¹ Каримов И.А. Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат – «Халқ сўзи», №29, 11 февраль 2006 йил.

унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Шу нуктаи-назардан ҳам, юқорида таъкидланган муаммолар ва амалий жиҳатларни ҳал қилишда хусусий тадбиркорликни ташкил этишни такомиллаштиришни илмий-назарий жиҳатдан асосланиши ушбу тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик соҳасига бағишланган бир канча монографиялар, илмий тўпламлар, журналлар ва даврий матбуотда кўплаб мақолалар чоп этилган, уларда бу соҳада мавжуд муаммоларнинг турли жиҳатлари ёритиб берилган. Айни вақтда, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари чуқур таҳлилни талаб этади. Тадбиркорликнинг назарий асослари, уни бошқариш, менежмент назарияси хорижий иктисодчи олимларнинг - А.Смит, Й.Шумпетер, Ж.Б.Сей Д.Рикардо, Г.Берг, Р.Хизрич, М.Питерс, М.Смолл, Р.Маккензи, А.Хоскинг, П.Хайне, Дж.М.Кейнс, З.И.Благова, Л.С.Бляхман ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий ишларида кенг тарзда ўз аксини топган. Мамлакатимизда эса иктисодчи олимлар Қ.Х.Абдурахмонов, С.С.Ғуломов, М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Ё.А.Абдуллаев, Ш.Ғ.Юлдашев, А.Жабриев, Ў.Самадов, А.В.Вахобов, Н.Тўхлиев, А.Ўлмасов, Р.Х.Алимов, Г.Н.Охунова, М.С.Қосимова, Г.Г.Назарова, Д.Н.Рахимова, Л.М.Аллахвердиева, Х.П.Абулқосимов, Э.Ғ.Набиев, Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, З.Я.Худойбердиев, М.А.Насритдинова, А.Х.Пардаев, Ю.Б.Юсупов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бутунги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича кенг камровли изланишлар давом эттирилмоқда.

Шу билан биргаликда, қайд қилинган олимларнинг ишларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва кичик бизнес ҳамкорлигининг моҳияти ва қонуниятлари, умуман Республикамиз миқёсидаги бозор муносабатлари нуктаи-назаридан етарли даражада ўрганилмаган, шунингдек, хусусий тадбиркорликда самарали бошқарув моделлари бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилиб, уни миллий иктисодиётимизга тадбиқ қилиш бўйича тегишли тавсиялар бир бутун илмий иш сифатида жамлаштирилмаган. Юқорида таъкидлаб ўтилган мулоҳаза-фикрларнинг барчаси ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг чуқурлаштиришдаги услубий ёндошувларнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибида ўз ўрнини топган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади иктисодиётни эркинлаштириш даврида Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш ва уни ташкил этиш бўйича амалий тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Қаримов И.А. Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат — «Халқ сўзи», №29, 11 февраль 2006 йил

Диссертация иши бўйича кўзланган мақсадга мувофиқ тадқиқотда куйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- тадбиркорликнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиб чиқиш;
- хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятларини ҳамда мавжуд муаммоларини таҳлили орқали, унинг жорий иқтисодий фаолиятига баҳо бериш;
- тадбиркорлик соҳасида ёлланча ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимини шакллантириш тамойилларини таҳлил қилиш;
- тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқаришнинг хориж тажрибасини ўрганиб, мамлакатимизда тадбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида янги иш жойларини яратиш ва бандликни оширишни заруриятини иқтисодий таҳлий асослаш;
- хусусий тадбиркорлик корхоналарида ходимларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича янги услубий ёндошувларга қаратилган амалий тақлифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ва Сенати томонидан қабул қилинган Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг мазкур йўналишдаги илмий изланишлари хизмат қилди.

Тадқиқот жараёнида илмий таҳлилнинг умумий услублари, шунингдек, иқтисодий статистик таҳлил (жадваллар, чизмалар, диаграммалар тузиш), гуруҳлаш, киёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- тадбиркорликни назарий асослари таҳлил қилиниб, бу борада яратилган ҳоя, фикрлар ўрганилди ва киёсий таҳлил ўтказилди;
- хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги даражасига баҳо берилди;
- иқтисодиётни ўтиш даврида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг асосий йўналишлари аниқлаштирилди, мамлакатда иқтисодий ўсишнинг шарт-шароитларини шакллантириш мақсадида хусусий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва ундан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилди;
- бозор шароитида тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи асосий омил сифатида кўрилди, бандликни ошириш йўллари кўрсатилиб, амалий тақлифлар ишлаб чиқилди;
- жаҳон тажрибасини таҳлилий умумлаштирилган ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик корхоналарида ёлланча ишчи-ходимларни рағбатлантириш тажрибаси ўрганилди ва уни Ўзбекистонда тадбиқ этиш бўйича тавсиялар берилди;

Диссертант томонидан қуйдаги ҳолатлар тадқиқот натижалари сифатида ҳимояга олиб чиқилмоқда:

- товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ таввакалчилик, ташаббускорлик асосида вужудга келадиган инновацион иқтисодий фаолият сифатида - "тадбиркорлик" тушунчасига аниқлик киритилди;

- тадбиркорлик соҳасида ёлланма ишчи-ҳодимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимига оид талаблар мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бажарилган иш самарасининг якунларига қараб ишчи ва ҳодимларни индивидуал тарзда рағбатлантириш услуби асослаб берилди;

- ёлланма ишчи-ҳодимларнинг меҳнат фаолияти натижаларини баҳолаш бўйича услуби таклиф этилди.

Тадиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий гоя, таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва самарали тартибга солиш борасида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тадбиркорлик корхоналарида ҳодимларни мотивациялаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртларида "Менежмент", "Тадбиркорлик асослари", "Бизнесни бошқариш" каби махсус курслар бўйича маъруза матнларини тайёрлашда ва таълим жараёнида қўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Илмий изланишнинг асосий натижалари, хулоса ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан берилган (2006 йил 5 июлдаги АП 10-15/1350-сонли) маълумотномада эътироф этилган ва амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Диссертациянинг назарий қоидалари Тошкент Ахборот технологиялари университетининг "Менежмент", "Тадбиркорлик асослари" ва "Бизнесни бошқариш" махсус ўқув курсларини ўқитиш жараёнида қўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари қуйдаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган: "Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги" (Фарғона, 1999), "Устойчивое развитие экономики на рубеже XXI века" (Москва, 2000), Четырнадцатые международные Плехановские чтения. (Москва, 2001), Пятнадцатые международные Плехановские чтения. (Москва, 2002), Шестнадцатые международные Плехановские чтения. (Москва, 2003), "Иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муммолари" (Тошкент 2004), "Иқтисодиётни эркинлаштири шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли" (Тошкент, 2005), "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари" (Тошкент, 2005).

Диссертация иши Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университетининг ва Тошкент Ахборот Технологиялари Университетининг илмий семинарларида, Тошкент Давлат Иқтисодиёти Университетининг «Менежмент» йўналиши бўйича Муаммолимувофиклаштирилган Кенгаш илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва натижалари бўйича умумий ҳажми 2,5 босма табоқдан иборат 2та илмий мақола ва 8та илмий маъруза тезислари республика ва хориж нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат, шунингдек, ишда катор жадваллар ҳамда расмлар берилган.

2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, "...бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади".¹

Диссертациянинг I-бобида қўйилган вазифаларни кетма-кет, узвий боғлиқликда бажариш учун, дастлаб тадбиркорликнинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ролига бўлган қарашлар тизими ривожини сиёсий-иқтисодий, бошқарув назарияси ва ижтимоий-психологик аспектлар нуқтаи-назаридан комплекс таҳлил қилинди.

Тадқиқотда "бизнес" ва "тадбиркорлик" иқтисодий категорияларнинг ўзаро фарқи ва боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистонда кичик ва ҳусусий тадбиркорлик шаклланишининг босқичлари ўрганилган ва республикамызда ҳусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг жорий ҳолати таҳлил қилинган.

Тадқиқот жараёнида тадбиркорликнинг намён бўлиш шакллари-нинг классификацияси ишлаб чиқилмаганлиги, кўпгина адабиётларда асосан унинг якка ва жамоа таркибидаги шакллари ҳамда кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик шакллари-гина кўрсатиб ўтилганлиги маълум бўлди. Масалан, кўп олимлар тадбиркорликнинг фақат кичик, ўрта шакллари-нигина таҳлил қиладилар.²

Бир гуруҳ муаллифлар эса тадбиркорликнинг якка ва жамоа шакллари-гагина эътибор беришади.³ Иқтисодиёт назарияси мутахассислари, жумладан Х.П.Абулҳосимов, Ф.Х. Отохонов, У.Т.Эрназаровлар тадбиркорликнинг якка ва жамоа шакллари-дан ташқари кичик ва ўрта,


¹ Қаримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — шировада мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000 й, 13 — бет.

² Чжов В.А. Ҳусусийлаштириш асослари. — Т.: "Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси" нашриёти, 1996, 281 — 288 — бб; Менежмент ва бизнес асослари. — Т.: Меҳнат, 1997, 309 — 320 — бб.

³ Основы предпринимательского дела. Благородный бизнес. /Под ред. Ю.М. Освазова. — М.: МП Гринов, 1992, 42-45-бб.

хусусий ва давлат шаклларини таъкидлаб кўрсатилади.¹ А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар тадбиркорликнинг фаолият соҳаларига ва мулкчилик турларига кўра намоён бўлиш шаклларини кўрсатиб беришган.²

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, тадбиркорлик шаклларининг умумий классификацияси хануз ишлаб чиқилмаган. Уни ишлаб чиқишда, тадқиқотчининг фикрига кўра, тадбиркорлик шаклларининг намоён бўлиши умумий белгиларига асосан гуруҳлаш лозим бўлади. Бунда унинг мулк шаклларига, уюшиш даражасига, фаолият соҳасига, ундаги иш билан банд бўлган ходимлар сонига кўра шаклларини гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлик шаклларининг умумий классификацияси³

¹ Абдулқосимов Х.П. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. – Т.: ТОШДУ, 1998, 10–15–бб.; Отохонов Ф.Х., Эрназаров У.Т. Хусусий тадбиркорлик. – Т.: Адолат, 1995, 4–бег.

² Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодият назарияси. – Т.: Меҳнат, 1995, 193–194–бб.

³ Таҳлилар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши воситачилик соҳасида ҳамда сезиларли сармоя талаб этмайдиган соҳаларда қайд этилмоқда. Аммо, аини пайтда, таваккалчилик билан ишлатилган сармоя билан боғлиқ, маблағ кўшиш ва махсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўрганиш ва тадбиқ этиш билан боғлиқ инновацион бизнес секинроқ ривожланмоқда. Янги турдаги хўжалик субъектлари республика аҳолисининг муайян эҳтиёжларини кондиритиш баробарида мавжуд меҳнат захираларидан фойдаланиш учун қулай имкониятлар ҳам яратади.

Бу турдаги хўжаликларнинг янгича иқтисодий муносабатларни шакллантиришда тутган ўрни алоҳида, улар бозор муносабатларни ривожланаётган бир пайтда ўзига хос вазифаларни бажаради. Жумладан:

- ўз оилаларини озиқ-овқат билан таъминлайди;
- мазкур хўжаликларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга хизмат қилади ва шу билан бирга, республика бозорларини кишлоқ хўжалиги махсулотлари билан бойитиши;
- меҳнат захираларидаги одамларни иш билан таъминлаш баробарида уларнинг меҳнатга лаёқатини сақлашга имконият туғдиради;
- аҳоли ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлайди;
- тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун замин тайёрлайди.

Ушбу масала маҳаллий иқтисодиётимизнинг ривожланиш хусусияти ва тамойилларини инобатга олса, алоҳида эътиборга молик. Зеро, республикада тадбиркорлик ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароитда раванк топмоқда:

- республика миқёсида илмий-техник тараққиётнинг пастлиги ва технологик қолоқлик (маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган техниканинг кўплиги);
- давлат секторида ижтимоий меҳнат билан банд бўлган малакали ишчиларнинг кўпчилиги кичик бизнес соҳасига ўтиб кетиши муносабати билан вужудга келган алоҳида иқтисодий вазиятнинг мавжудлиги;
- бозор шароитида иш юритиш учун зарур билим ва тажрибанинг етишмаслиги;
- бозор инфратузилмасининг такомиллашмаганлиги;
- маъмурий бюрократизмнинг кучлилиги.

Тадқиқотчининг фикрича, мазкур муаммоларни ҳал этмоқ учун ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминловчи давлат қафолатлари доирасини кенгайтириш;
- тадбиркорликнинг эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликга бериладиган моддий ёрдамни кучайтириш;
- мазкур соҳани ривожлантириш учун зарур маблағларни давлат бюджети ва ҳокимиятларнинг маҳаллий фондларидан жалб этишни кучайтириш;
- кредитларни сугурталашнинг самарадор тизимини яратиш;


- тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи марказларни шакллантириш;

- тадбиркор кадрларни тайёрлашни кучайтириш;

- хусусий тадбиркорларнинг моддий ресурслардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш даркор.


2005 йилга келиб, кичик ва хусусий бизнеснинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 38,2 %дан ошди. Мамлакат аҳолисининг минг киши ҳисобига ўртача 8,6дан кўпроқ кичик корхоналар тўғри келади. 4,1 млн. кишидан иборат яқка турдаги тадбиркорларни ҳисобга оладиган бўлсак, кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сони 5,5 млн. кишидан ошади. Бу иқтисодиётда умумий иш билан банд бўлганлар сонининг 66,0 %дир (2-расм).

Охириги йиллар ичида кичик бизнесни рағбатлантириш мақсадида бир неча муҳим қадамлар қўйилди. Соддалаштирилган солиққа тортиш тизими киритилди, давлат идоралари томонидан ўтказилувчи текширувлар сони чекланди, кичик, хусусий корхоналар ва микро- фирмаларни қайд қилиш тартиби соддалаштирилди. Бу ўз навбатида, тадбиркорликни ўсиш жараёнида, унинг республика ЯИМдаги улушининг ўсишига ва иқтисодиётнинг бу сектордаги иш билан бандлик даражасига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва унинг муҳим кўрсаткичлари динамикаси 2, 3, 4-расмларда келтирилган.




2-расм. ЯИМдаги кичик ва хусусий тадбиркорликнинг улуши¹.

Сўнгги уч йилда амал қилаётган ташкилотлар сони қарийб 58,0 %га ошди ва 308,2 минг юридик шахслардан ташкил топди. Корхоналар сонининг ўсишига қарамадан, уларнинг маъкеи юқорилигига эришилгани йўқ (3-расм).



3-расм. Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони, минг киши²



4-расм. Кичик ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши³

1,2,3 Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кичик тадбиркорликнинг таркиби секин-аста ўзгариб бораёпти. Хусусий кичик тадбиркорлик асосан, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ривожланипти, чунки у ерда нисбатан катта бўлмаган капитални тез айирбошлаш имконияти мавжуд. Иқтисодийнинг бошқа тармоқ ва соҳаларида кичик корхоналарнинг ривожланиши паст даражада бормоқда. Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг аҳволини тавсифловчи муҳим кўрсаткич бўлиб, унинг ташқи савдо операцияларида иштироки даражаси ҳисобланади. 2005 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари умумреспублика ҳажмидан 7,9 % маҳсулот (товар, хизмат)ларни экспорт ва 33,7 %ни импорт қилди (жадвалга қаранг).

Жадвал

Хусусий ва кичик тадбиркорликнинг ташқи савдо операцияларидаги улуши¹

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005
Умумий экспорт ҳажмидаги улуши, %	9,0	7,5	7,1	7,4	7,9
Умумий импорт ҳажмидаги улуши, %	26,9	24,9	31,6	32,2	33,7
Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони, минг dona	2,5	2,7	3,2	3,7	4,1

2001-2005 йиллардаги экспортнинг умумий ҳажмидаги кичик ва хусусий тадбиркорликнинг таққослама ҳажмини пасайиши унинг товарлар таркибидаги сезиларли ўзгаришлари билан ифодаланади. Агар 1999 йилда кичик тадбиркорлик асосан пахта толасини экспорт қилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб, экспорт қилинадиган маҳсулотлар доираси мебел, заргарлик буюмлари (қимматбаҳо ва яримқиммат металл ва тошлардан), қурилиш материалларини айрим турлари, туз ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳисобига кенгайди.

Жадвалда кўрсатилган ракамлар шундан далолат берадики, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги салмоғи деярли ривожланмаган. Экспортдаги унинг улуши 8,0 фоизга етмайди. Кичик ва хусусий тадбиркорликни импорт таркиби унча сезиларли ўзгаришларга учрамади. Унинг катта улушини озиқ-овқат товарлари ҳамда машина ва жиҳозлар ташкил қилади, чунки ушбу импорт турлари давлат томонидан солиқ ва божхона имтиёзлари тизими орқали рағбатлантирилади ва қўллаб-қувватланади.

Юртимизда кўпгина яратилган ва амалда қўлланилмаган янгиликлар мавжуд. Бу мамлакатимизда йирик инновацион потенциал борлигидан далолат беради ва инновационни тадбиқ этишнинг маълум муаммолари мавжуд. Республикамизда мавжуд йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари, вазирликларининг деярли ҳаммасида илмий-тадқиқот

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

марказлари мавжуд бўлиб, республика фан-техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб борилади ва маълум натижаларга эришилган.

Бугунги кунда республикада инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун имконият ва шароитлар етарли. Халқимизнинг интеллекти ҳам бунга тўлиқ жавоб беради. Чет эл тажрибаси асосида инновацион тадбиркорликни рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан қўйидагиларни белгилаб олиш мумкин:

- ижроия ҳокимият доирасида технологик янгиликлар жорий этишни рағбатлантирувчи ташкилот тузиш;

- хусусий шахслар ва ташкилотларга илмий тадқиқотни ривожлантиришда ҳамкорлик кўрсатиш;

- илмий-техник ахборотлар билан доимо алмашлаб туриш, бунда фирмалар ва давлат кизикишларига эришиш мақсадида давлат томонидан рағбатлантириш;

- янги техника ва технология яратувчилари - кичик бизнесни давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш;

- инновация бўйича давлат буюртмаларини бажарувчи корхона ва ташкилотлар ихтисослашувини таъминловчи иқтисодий ҳуқуқий ва маъмурий ташкилий интеграцияни давлат томонидан бошқариш;

- технополислар ва технопарклар тармоғини яратиш ва ҳ.к.

Бу йўналишларни кенг амалиётга тадбиқ этиш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолини иш билан бандлигини ошириш учун шароит яратиб беради.

Муаллифнинг фикрича, иш билан бандлик муаммоларини тадбиркорликни ривожлантириш воситасида ҳал этиш баробарида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги бошқа бир актуал муаммо, яъни ишлаб чиқариш соҳасига кенг қўламда ёшларни жалб этиш масаласи ўз ечимини топади. Мазкур масала узок йиллар давомида ниҳоятда долзарб ва кескин муаммолигича қолаверди. Вазиятнинг бу зайдда ривожланиши бир канча объектив ва субъектив омилларнинг таъсири билан изоҳланади:

- янги иш жойларини ташкил этишнинг паст суръатларда ҳал этилиши;

- касбга йўналтириш фаолиятининг сустлиги;

- кенг қамровли иш кучини сафарбар этишга қодир саноат тармоқларининг, айниқса енгил ва озиқ-овқат, шунингдек, радиоэлектроника саноатининг яхши ривожланмаганлиги;

- ишчи ва ходимлар ўртасида юксак самарали меҳнат қилишга нисбатан зарур мотивациянинг йўқлиги;

- республикада таълим тизимида моддий-техника базаси ва кадрлар тайёрлаш масаласи билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

- ҳудудий меҳнат бозорларининг биқиклиги (ягона ва очик инфратузилманинг йўқлиги);

- касбий малакани ва ижтимоий меҳнатда иштирок этиш салмоғини оширишга қаратилган рағбатлантириш тамойилларининг пухта ишланмаганлиги;

-миллий анъаналарнинг таъсири, маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш шарт-шароитларига қийинчилик билан мослашуви, жамоада ишлаш уқувининг пастлиги, индустриал касбкорлар мавқеининг паст даражадалиги;

-ишчи, ходимларнинг шаклланиб бораётган бозор муносабатларига психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги. Бунинг натижаси ўларок бозорнинг иш тамойиллари талабларига тўлиқ жавоб бера олмаслик;

-аҳолининг шуурида тадбиркорлик ғоялари ва тамойилларининг чуқур идрок этилмаслиги;

-иқтисодиётни, хусусан, хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда малакали мутахассисларнинг роли ва ўрни тўғри фарқланмаслиги.

Иш билан бандликнинг муқобил кўринишларидан бири индивидуал меҳнат билан шуғулланиш ҳисобланади. Ижтимоий фойдали меҳнатнинг бу тури шундайки, уни конкрет корхона, муассаса, ташкилот доирасида ташкиллаштириш шарт эмас. Индивидуал меҳнат шароитида иқтисодий субъектлар шахсий фаолият маҳсулининг эгаси сифатида бозор муносабатларига киришади.

Ўз-ўзини иш билан таъминлаш масаласи шунинг учун ҳам долзарбки, республика аҳолисининг деярли ярми – ёш бола ва ўсмирлардан иборат. Ҳар йили мактаб битирувчиларининг 5,0 %дан зиёдроғи ўқишни давом эттирмай ижтимоий фойдали меҳнатдан ташқарида қолади. Мазкур социал муаммони ҳал этишнинг қулай воситаси, қайд этганидек, ўз-ўзини иш билан таъминлашдир. Бу йўл шунинг учун ҳам самаралики, у биринчидан, муайян касб-хунарни ўзлаштиришга имкон беради, жуда кўп капитал талаб этмайди, қилаверса, у билан истикомат жойида шуғулланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар шароитида ташкилий фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ҳамда ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини тегишли тарзда рағбатлантиришга боғлиқ.

«Меҳнат фаолиятини рағбатлантириш» тушунчаси жуда кенг маънолидир. Гап шундаки, конкрет турдаги меҳнат операциясини бажариш учун тўланадиган иш ҳақининг кўлами бир хил бўлган, аммо иш фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитлари турлича бўлган жойларда меҳнат шароитлари қулайроқ бўлган жойдаги ишчиларнинг меҳнат самарадорлиги юксакроқ бўлади. «Меҳнат фаолиятини рағбатлантириш» тушунчаси меҳнат фаолиятини моддий ва номоддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг конкрет услубларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билангина чекланмайди.

Замонавий шарт-шароитларда тадбиркорлик тамойиллари асосида иш юриладиган корхоналарда ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимлари бажарилган иш самарасининг якунларига қараб ишчи ва ходимларни индивидуал тарзда рағбатлантириш услубига асосланиб ташкиллаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам корхона ишчи ва ходимларининг индивидуал меҳнатини рағбатлантириш раҳбариятнинг эркин ихтиёрига ва хоҳиш-иродасига қараб эмас, балки илмий асосда, тизимли ёндашув негизида, ходимларнинг жорий иш фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, баҳолаш асосида амалга оширилиши даркор.

Муаллифнинг таклифлари қабул қилинадиган бўлса, қуйидаги тартибда иш олиб бориш мумкин бўлади.

Биринчидан, корхонада ишлайдиган ҳар бир ишчи ва ходим учун унинг зиммасига юклатиладиган хизмат вазифалари, мажбуриятлари, бурчлари ва ҳуқуқлари, бир сўз билан айтганда функционал вазифалари аниқва равшан қилиб белгилаб берилиши лозим. Янги ишга олинадиган ходим албатта унга таклиф этилаётган иш жойига яраша бажарилиши лозим бўладиган хизмат вазифалари билан пухта танишиб чиқиши керак бўлади. Шу тартибда иш юритилса, корхона раҳбарияти конкрет ишчи ёки ходимга нисбатан қандай талабларни илгари суриши мумкинлигини, ўз навбатида ишчи ва ходимлар ўз зиммасидаги конкрет функционал вазифалар ва мажбуриятлар қандайлигини аниқ тасаввур этиши мумкин. Конкрет иш лавозимига яраша белгилаб қўйилган хизмат вазифалари ва мажбуриятларига қараб меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат фаолиятини рағбатлантириш услублари белгиланади.

Иккинчидан, тадбиркор ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш услубларини белгилашга киришишдан аввал меҳнат бозорларидаги вазиятни ўрганиб чиқиши керак. Чунки, аксарият ҳолларда конкрет турдаги ишчининг меҳнат ҳақи айни пайтда мазкур турдаги мутахассисларга нисбатан мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланиши зарур, акс ҳолда объектив шарт-шароитлар тадбиркорни шундай қилишга мажбур қилади. Бундан ташқари, юксак малакали мутахассисларни фирмадан кетиб қолмаслиги учун рақобатчиларда меҳнатга қандай ҳақ тўланаётганлигини эътиборга олишга ҳам тўғри келади.

Ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимини шакллантириш давомида турли хил категорияга мансуб бўлган ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кўзда тутувчи алоҳида кичик тизимларнинг ҳам шакллантирилиши зарурлигини эътиборга олмоқ даркор.

Тадқиқотчининг фикрича, ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимини қуйидаги 5-расмда ифодаланган беш хилдаги кичик тизимлардан иборат қилиб ташкил этган мақсадга мувофиқ бўлади.



5-расм. Ходимларни алоҳида гуруҳларини рағбатлантириш тизими¹.

¹ Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Корхонанинг бошқарувчилик тизимида фаолият юритувчи ходимлар меҳнاتини рағбатлантиришдан бир қанча максаллар кўзланади. Биринчидан, менежерлар фаолиятини рағбатлантириш туфайли корхона раҳбарияти юксак малакали, профессионал кадрларни рақобатчилар томонига ўтиб кетишининг олдини олишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, менежерлар фаолиятини рағбатлантириш уларни шахсий карьераси билан жиддий қизиқишга ундайди, шу билан бирга, менежерлар бевосита бошчилик қилаётган кичик тизимнинг, қолаверса, бутун ишлаб чиқариш тизимининг иш самарадорлигини оширишга тўртки беради. Учинчидан, корхонанинг иқтисодий фаолияти якунида олинadиган соф фойдани тақсимлашда менежерларнинг иштирок этиши уларни иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишдан бевосита манфаатдор қилиб қўяди. Менежерлар хизмат поғоналаридан юксалиб борар экан, биринчи навбатда, уларнинг базавий ойлик иш ҳақи салмоғи ошади, бунга қўшимча равишда соф фойдадан олинadиган улушининг ҳажми сезиларли даражада ошади. Хизмат соҳасида бундай потенциал имкониятларнинг мавжудлиги менежерларни ўз касбий маҳоратини, профессионаллик даражасини, малакасини ва билим савиясини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга, иш самарадорлигини оширишга ундайди.

Шу ўринда юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни мухтасар қилиб айтганда, меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи ролини ошириш учун жорий иш фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида ташкиллаштириш зарур бўлади:

1) меҳнат ҳақининг қийматини ишчи ва ходимлар томонидан бажариладиган иш фаолиятининг самарадорлигига, унумдорлигига ва сифатига боғлиқ қилиб қўйиш керак. Шундай йўл тутилса, ишчи ва ходимлар ўзлари бажарадиган функционал вазифаларининг пировард натижасидан бевосита манфаатдор бўлишади;

2) меҳнатга ҳақ тўлашнинг конкрет шароитга мос равишда амал қиладиган тизимини жорий этиш зарур. Бундай тизим корхонанинг иқтисодий фаолияти якунларини ҳамда алоҳида олинган ҳар бир ишчи (ходим)нинг умумий ишга қўшган индивидуал хиссасини инобатга олишга, шу билан бирга ҳар бир ишчи (ходим)нинг соф фойдадан олиши мумкин бўладиган улушини аниқлашга имкон беради;


3) ёлланма ишчи-ходимларнинг ҳаммасига индивидуал меҳнати натижаларидан катъий назар бир хил маош тўлашдан воз кечилиши даркор;

4) ёлланма ишчи-ходимларга иш ҳақи тўлаш тизимини ташкил этиш чоғида мазкур тизимнинг амал қилиши оқибат натижада ишчилар орасида нифоқ туғилишига олиб келмаслиги лозимлигини эътиборга олиб иш тутиш даркор.

Корхоналарда ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш тизими бошқарув фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун муҳим бир қатор функцияларни амалга ошириш ва шу билан бирга ташкилий аҳамиятга молик бўлган айрим масалаларни ҳал этиш имкониятини яратadi.

Умуман олганда, ҳар қандай объектни баҳолаш ўзининг мазмун-моҳиятига кўра махсус танлаб олинган миқдор ва сифат кўрсаткичларидан ташкил топган алоҳида тизим бўлиб, ушбу кўрсаткичлар асосида баҳоланаётган объектни характерловчи муҳим сифатларни билиб олиш мумкин бўлади.

Қуйида келтирилган 6-расмда ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти натижаларини баҳолаш жараёнларининг схематик ифодаси келтирилган.



6-расм. Ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти натижаларини баҳолаш жараёнларининг схематик ифодаси¹.

Тадқиқотда ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш жараёнини қуйидаги тамойил асосида амалга ошириш таклиф этилган:

1) Ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини қандай конкрет мақсадларни кўзлаб баҳолашга аҳд қилганлигимизни инобатга олиб мақсадга мувофиқ келувчи тегишли кўрсаткичларни танлаб олиш зарур. Танлаб олинган кўрсаткичлар кузатилаётган объектни ҳам миқдор, ҳам сифат

¹ Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

жихатидан тавсифлашга имкон берадиган бўлиши керак. Миқдор кўрсаткичлари сонли ўлчамларда, сифат кўрсаткичлари эса баллар шаклида ифодаланиши мумкин.

2) Алоҳида тоифадаги ишчи ва ходимларнинг заммасига юклатиладиган функцияларни айрим-айрим қисмларга ажратиб олиб, ҳар бир алоҳида меҳнат операциясини бажариш учун умумий иш вақтининг канча миқдори сарфланиши лозимлиги белгилаб қўйилиши даркор. Бу ҳилдаги ёндашув конкрет иш жойларини ва хизмат лавозимларини баҳолашга тўғри келганида катта ёрдам беради. Бу нарсаяна шунинг учун керакки, алоҳида турдаги меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ишчининг хизмат функциясига турли ҳилдаги мураккабликка эга бўлган меҳнат операциялари кириши мумкин. Табиийки, бундай шароитда ишчи конкрет функцияни амалга ошириши учун турли ҳилдаги касбий малакага ва билим савиясига эга бўлиши лозим. Шу сабабдан функционал вазифани алоҳида таркибий элементларга ажратиб олиб уларнинг ҳар бирини бажариш умумий иш вақтининг қанча қисми талаб этилишини ҳисоблаб чикиб, ўртача катталикдаги миқдор кўрсаткичини аниқлаб олиш керак бўлади.

3) Ўртача миқдор кўрсаткичларини аниқлаб олгач, статистик услублардан фойдаланиш асосида стандартлаштирилган умумий кўрсаткичлар аниқланади.

4) Ҳар бир кўрсаткичнинг аҳамиятлилиқ даражаси аниқлаб олинади. Бунда бир нарсани унутмаслик лозимки, баҳолаш жараёнида қўлланиладиган барча кўрсаткичлар аҳамиятлилиқ даражасининг умумий суммаси бирга тенг бўлиши шарт.

5) Стандартлаштирилган турли ҳил кўрсаткичлар ҳамда уларнинг аҳамиятлилиқ даражасини аниқлаш асосида барча натижаларни умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисоблаб чиқилади. Буни қуйида келтирилган формула ёрдамида бажариш мумкин:

$$K_{\Sigma} = \sum A_i K_{\Sigma i}$$

Бунда K_{Σ} - баҳолаш жараёнининг умумлаштирилган кўрсаткичини;

A_i - i -чи кўрсаткичнинг аҳамиятлилиқ даражасини;

$K_{\Sigma i}$ - стандартлаштирилган i -чи кўрсаткични ифодалайди.

Корхоналарда ёлланма ишчи-ҳодимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинса, мазкур жараён барча ходимларга нисбатан татбиқ этилиши лозим бўлади. Бу шунинг учун керакки, баҳолаш натижаларига асосланиб ишлаб чиқариш тизимининг ҳар бир қисмида ишлайдиган ишчининг ва хизмат қиладиган ходимларнинг жорий меҳнатини канчалик мураккаблигини аниқлаш мумкин. Ўз навбатида, бу маълумотлар асосида ҳар бир тоифадаги ишчи ва ходимларга меҳнатига яраша тегишлича иш ҳақи тўлаш, уларнинг умумий меҳнат самарасига қўшадиган индивидуал ҳиссасини билиб олиш, келгусида шундан келиб чиқиб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этса бўлади.

3. ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда бозор иктисодиёти шароитида хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос назарий ва амалий асослари ҳамда ушбу соҳани бошқариш муаммолари ўрганиб чиқилди ва қуйидаги хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

1. Хусусий корхоналар миллий ҳўжалигимизнинг барча соҳаларида ташкил қилиниши мумкин. Вужудга келган ва янги шаклланидиган хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш учун кенг камровли давлат дастурларини ишлаб чиқиш керак.

2. Хусусий тадбиркорлик субъектларини аҳолининг эҳтиёжлари асосида ҳудудий жойлаштириш масалаларини мувофиқлаштириш керак. Ҳудудларда жойлашган йирик корхоналарнинг маҳаллий кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ҳудудий дастурлари ишлаб чиқиш лозим.

3. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда мутассадди ташкилотлар тарафидан қонун доирасида, уларнинг салоҳиятига қараб, янги технологиялар билан таъминлашда, молиялаштиришда енгилликлар ва афзалликлар бериш лозим.

Хусусий тадбиркорлик соҳасига оид фикр-мулоҳазалар ва ҳоёларни ўрганиш инновацион илмий марказни тузиш ва уларга қўмаклашувни ташкил этиш керак.

4. Тадқиқот давомида муаллиф кичик, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишсизлик муаммосининг ўзаро алоқдорлигини ўрганиб чиқди. Ушбу масалани амалий жиҳатдан ҳал этиш чоғида унинг ўзига хос жиҳатларини эътибордан четда қилдирмаслик лозим. Бу хусусиятлар биринчидан, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилиши биланоқ, давлат секторига қарашли корхоналардан етук, малакали мутахассислар бўшаб кетади. Кадрлар кичик ва хусусий бизнес соҳасида фаолият юритишни афзал қўради. Иккинчидан, меҳнат бозорида ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланмаганларнинг (нафақа ёшига етган кишилар, ногиронлар, аёллар, ҳарбий хизматдан бўшаган хизматчилар) тутган алоҳида ўрни бор. Улар ҳам хусусий тадбиркорлик соҳасида фойдали меҳнат билан шуғулланишни истайдилар. Учинчидан, анъанавий иш билан бандликдан фарқли ўлароқ, муайян шарт-шароитга мос келувчи иш билан бандлик шаклини ривожлантиришга эҳтиёж сезилади. Бунда ногўлиқиш қуни асосида ишлаш, уйда ишлаш, ўриндошлик асосида ишлаш, хизматчи учун қулай вақтда келиб ишлаш, мавсумий, муайян вақтга мўлжалланган лойиҳа асосида ишлаш назарда тутилади.

5. Давлат миқёсида ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари турли хил бўлган корхоналарда ходимларни бошқаришга, шу жумладан, меҳнат фаолиятини нормалаштириш ҳамда ёлланма ишчи-ҳодимларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимларини шакллантиришга оид амалий тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни яратишга қаратилган туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида давлат томонидан ишлаб чиқиладиган амалий тавсияномалар тадбиркорлар учун мажбурий норматив сифатида тақдим этилмайди албатта. Аммо, илмий жиҳатдан асосланган ва пухта ишланган меҳнат фаолиятини нормалаштириш ҳамда ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимларини шакллантиришга оид амалий тавсияномалар иш берувчиларнинг ташкилий фаолиятини анчагина енгиллаштириши аниқ.

6. Корхоналарда ходимларни бошқаришга ихтисослашган алоҳида кичик ташкилий тизим яратилиши лозим. Бу ташкилий тузилма ходимлари анъанавий иш услубларидан воз кечиб, корхона раҳбариятига меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг замонавий услублари ҳамда тизимларини жорий этишга ёрдам бериши мумкин.

7. Конкрет ишчи ёки ходимга индивидуал тарзда тўланадиган меҳнат ҳақини белгилаш чоғида уларнинг ишчанлик сифатларини ҳамда малакасини баҳолаш ўринли бўлади. Бунинг учун ҳар бир иқтисодий тармоқ бўйича алоҳида ёндашув асосида ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолашнинг махсус услубларини ишлаб чиқиш лозим. Турли хил категорияга мансуб ёлланма ишчи ва ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолашнинг умумий (яъни, олган маълумоти, алоҳида касб-корга тааллуқли махсус билимларга эгаллиги, иш тажрибаси ва ҳоказо маълумотлар ҳақидаги) кўрсаткичларидан ташқари ҳар бир саноат тармоғи ва алоҳида ишчилар группаси бўйича махсус тайёрланадиган кўрсаткичлар тизимини ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

4.ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Касимова Н.С. Бозор шароитида аҳоли бандлигини муаммосини ҳал этишда тадбиркорликни замонавий шакллари ривожланиши. //“Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги” Республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. I қисм. Фарғона. Фарғона Давлат Университети, 1999й. 111-113 бетлар.

2. Касимова Н.С. Проблемы развития малого и среднего предпринимательства. //Тезисы докладов Международной научно-практической конференции «Устойчивое развитие экономики на рубеже XXI века». Москва, РЭА им.Г.В.Плеханова, 25 марта 2000г. 218-220 стр.

3. Касимова Н.С. Рахимова Д.Н. Мехнат бозори муаммоси. //Жамият ва бошқарув. 2000 й. 4-сон. 55-58 бетлар.

4. Касимова Н.С. Вахобжонов Х. Проблемы регулирования рынка труда. //Тезисы докладов. Четырнадцатые международные Плехановские чтения. Москва, РЭА им.Г.В.Плеханова, 28 апреля 2001г. 55-56 стр.

5. Касимова Н.С. Вахобжонов Х. Проблемы занятости в городском управлении. //Пятнадцатые международные Плехановские чтения. Москва, РЭА им.Г.В.Плеханова, 27 апреля 2002г. 314-315 стр.

6. Касимова Н.С. Абдуллаев Х. Основные принципы корпоративного управления.//Шестнадцатые международные Плехановские чтения. Москва, РЭА им.Г.В.Плеханова, 26 апреля 2003г. 473-475 стр.

7. Касимова Н.С. Корпоратив бошқарув самарадорлиги. //Жамият ва бошқарув. 2003 й. 4-сон. 0,5 б.т., 39-40 бетлар.

8. Касимова Н.С. Рахимова Д.Н. Хўжалик бошқарувини ислох қилиш – иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти. //“Иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. СИСМ. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани “Сойлик” оромгоҳи, 27-28 май 2004й. 144-145 бб.

9. Касимова Н.С. Тадбиркорлик соҳасида малакали кадрлар ва уларни тайёрлаш менежменти. //«Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. Тошкент, ТДИУ, 24 май 2005 й. 70-71 бетлар.

10.Касимова Н.С. Инновация тадбиркорлигини ривожлантириш хусусиятлари. //«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. Тошкент, ТДИУ, 21 октябр 2005 й. 94-96 бетлар.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Касимова Наргиза Сабитджановнанинг 08.00.05-"Менежмент" ихтисослиги бўйича "Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари" мавзусидаги диссертациянинг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, тадбиркорликни ташкил этиш, тартибга солиш, аҳолини иш билан бандлиги, ёлланма ишчи-ходимлар, рағбатлантириш тизими, меҳнат фаолиятини баҳолаш.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик соҳаси ва уни ташкил этиш хусусиятлари.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш даврида Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш ва уни ташкил этиш бўйича амалий тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усули: тадқиқот жараёнида илмий таҳлилнинг умумий услублари, шунингдек, иқтисодий статистик таҳлил (жадваллар, чизмалар, диаграммалар тузиш), гуруҳлаш, қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертацияда тадбиркорликни назарий асослари таҳлил қилиниб, бу борада яратилган ғоя, фикрлар ўрганилган ва қиёсий таҳлил ўтказилган; хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги даражасига баҳо берилган; тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи асосий омил сифатида қўрилган, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига бандликни ошириш бўйича амалий тақлифлар берилган; хориж тажрибаси таҳлилий умумлаштирилган ҳолда, хусусий тадбиркорлик корхоналарида ёлланма ишчи-ходимларни рағбатлантириш тажрибаси ўрганилган ва уни Ўзбекистонда тадбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган; тадбиркорлик соҳасида ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимига онд талаблар мажмуаси ишлаб чиқилган ҳамда бажарилган иш самарасининг яқунларига қараб ишчи ва ходимларни индивидуал тарзда рағбатлантириш услуби асослаб берилган; ёлланма ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти натижаларини баҳолаш бўйича услуби тақлиф этилган.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий тақлифлар тадбиркорлик соҳасига малакали кадрларни тайёрлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини бандлик даражасини оширишга қўмақлаштириш борасида ҳамда олий ўқув юртларида "Менежмент", "Тадбиркорлик асослари", "Бизнесни бошқариш" фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг назарий ишланмаларидан ТАТУнинг "Иқтисодиёт ва бошқарув" факультетининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида келтирилган қатор тавсиялари ва амалий тақлифлари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан маъқулланган ва амалиётга тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

қўлланиш соҳаси: тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда тадбиркорлик фаолиятида.

РЕЗЮМЕ

диссертации Касымовой Наргизы Сабитджановны на тему: "Задачи организации частного предпринимательства в Узбекистане" на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05-"Менеджмент"

Ключевые слова: предпринимательство, частное предпринимательство, малый бизнес, организация предпринимательства, регулирование, занятость населения, наёмные работники, система стимулирования, оценка трудовой деятельности.

Объект исследования: сфера частного предпринимательства в Республике Узбекистан и методы его организации.

Цель работы: исследование научно-методических основ частного предпринимательства и разработка практических рекомендаций его организации в период либерализации экономики в Узбекистане.

Метод исследования: При написании диссертации использованы общие методы научного анализа, экономико-статистический анализ (составление таблиц, схем, диаграмм), классификация, сравнительный анализ.

Полученные результаты и их новизна: в диссертации исследованы теоретические основы предпринимательства, изучен и проведен анализ идей и мнений по этому вопросу; проанализированы основные элементы организационно-экономического механизма управления предпринимательством и определены пути их совершенствования; предпринимательство рассматривается как основной фактор, обеспечивающий занятость населения, даны практические рекомендации Госкомитету Республики Узбекистан по демополизации, поддержки конкуренции и предпринимательства для решения проблем занятости; на основе обобщения мирового опыта исследованы своеобразные принципы стимулирования наёмных работников в предприятиях частного предпринимательства и даны рекомендации по его использованию в Узбекистане; разработана система требований к организации стимулирования наёмных работников в предпринимательских структурах и обоснована методика индивидуального стимулирования работников по результатам выполненных работ, предложена методика оценки результатов труда наёмных работников.

Практическая значимость: Научные выводы и практические рекомендации по подготовке кадров и развитию предпринимательства могут быть использованы для повышения уровня занятости населения, и в преподавании таких дисциплин, как "Менеджмент", "Основы предпринимательства", "Управление персоналом" в высших учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Теоретические разработки исследования применяются в учебном процессе факультета "Экономика и управление" ТУИТ.

Результаты исследования, ряд рекомендаций и практических предложений одобрены и приняты для внедрения Госкомитетом Республики Узбекистан по демополизации, поддержки конкуренции и предпринимательства.

Область применения: предпринимательская деятельность, а также при разработке государственных программ по поддержке и развитию предпринимательства.

RESUME

Dissertation of Kasimova Nargiza Sabitdjanovna on "Tasks of organization of private entrepreneurship in Uzbekistan" on competition of scientific degree of the Candidate of Economic Sciences, specialty 08.00.05 - "Management"

Key words: entrepreneurship, private entrepreneurship, small business, organization of entrepreneurship, regulation, population employment, hired workers, the system of stimulation, labour activity evaluation

Object of research: the sphere of private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan and methods of its organization.

The purpose of work: investigation of scientific-methodical bases of private entrepreneurship and development of practical recommendations of its organization during liberalization of economy in Uzbekistan.

Method of research: the general methods of scientific analysis, economic-statistical analysis (drawing up of tables, schemes, diagrams), classification and comparative analysis have been used in the process of research.

The received results and their novelty: in the dissertation the theoretical bases of private entrepreneurship, the analysis of ideas and opinions on this issue have been investigated and analyzed; basic elements of organizational and economic mechanism of management by entrepreneurship have been analyzed and the ways of their perfection have been determined; entrepreneurship has been considered as a basic factor providing population employment, practical recommendations to State Committee of the Republic of Uzbekistan on de-monopolization issues, competition and entrepreneurship support have been given to solve the problem of employment; on the basis of generalization of world experience the specific principles of stimulation of hired workers on private enterprises and recommendations how to use them have been investigated; the system of requirements how to organize stimulation of hired employees in entrepreneurship structures and the methods of individual stimulation of employees based on the results of the conducted activity has been worked out; the method of evaluation of the results of labour activity of hired employees has been provided as well.

The practical importance: Scientific conclusions and practical recommendations on professional training and development of entrepreneurship can be used to increase the level of population employment and in teaching such disciplines as "Management", "Bases of entrepreneurship", "Management of personnel" in higher educational institutions.

Degree of introduction and economic efficiency: Theoretical development of research are applied in educational process of faculty "Economy and management" of the Tashkent University of Information Technologies. The results of research, a list of recommendations and practical proposals have been approved and accepted for introduction by the State Committee of the Republic of Uzbekistan on demonopolization, support of competition and entrepreneurship.

Scope: enterprise activity, and while elaborating the state programs on support and development of entrepreneurship.



Тадқиқотчи

Босишга рухсат этилди 01.12.2006й.
Босма табоқ 1,2. Адади 100. Буюртма № 11/12.
«Akadem – Xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45